



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 105 (10.158)

2004 ЙИЛ 3 ИЮНЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА Сўзлар

● **ЭРТАГА** «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекинав» бирлашмаси ҳамда «Ўзтелерадио» компанияси ҳамкорликларида ўтказиладиган экофестиваль Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланади.

● **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари Тошкент ҳайвонот боғига саёхат уюштирилади. Ушбу тadbир Юнусобод туман ҳокимлиги ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида «Полиграфия, реклама, нашриёт иши ва қадоклаш» деб номланган хорижда ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган полиграфия маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма **ЭРТАГА** якунланди.

● **«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА** КЕЧАдан «Озиқ-овқат маҳсулотлари»ни қадоклаш технологиялари 4-халқаро кўргазмаси бошланди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро хайрия жамғармасида экологияни яхшилаш чораларига бағишлаб уюштирилган тadbирда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

● **МЕХР** ва мурувват йили муносабати билан Мирзо Улугбек туманидаги «Яланғоч ота-15» маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида хайрия тadbiri ўтказилди.


● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Ибн Сино маҳалла гузариди фаоллар ҳамда кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида уюштирилган тadbирда 76 нафар ёрдамга муҳтож инсонларга ҳимийлар томонидан эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
муҳбирларимиз

Бугунги кунда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Offuse Market» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган талаблар даражасидаги қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари харидорлар эҳтиёжини қондирмоқда.

**СУРАТДА:** корхона ишчиси Шухрат Бурхонов замонавий дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланади.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат.



## СЕН ЁЛГИЗ ЭМАССАН, БОЛАЖОН!

Вазирлар Маҳкамасининг давлатимиз раҳбари Ислам Қаримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004 йил 27 январдаги қарорига мувофиқ тасдиқланган «Меҳр ва мурувват йили» дастурида фарзандларимиз манфаатларига йўналтирилган талай муҳим чора-тadbirlar кўзда тутилган ва улар айни чоғда ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Ҳужжатда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кўчайтириш зарурлиги қайд этилган. «Сен ёлғиз эмассан» Болалар жамоатчилик жамғармаси ушбу даъват ижобати йўлидаги янгидан-янги ташаббуслари ва самарадор амалий фаолияти билан назарга тушган нодавлат ташкилотдир.

Ушбу жамғарма шу йилнинг 1 мартида яна бир ташаббус билан чиқди: Республика хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишлаб матбуотда, Интернет нашрларда берилган энг яхши мақола, радио эшиттириш ҳамда телекўрсатувлар, аудио ва видео роликлари учун танлов эълон қилди.

«Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман» шиори остида ўтган ушбу танловнинг максaди фуқароларимизда меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий масъулиятни оширишга қаратилди.

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунни арафасида якунланган танловда «Ота-она излайман» кўрсатувлар туркуми

учун «Ёшлар» телеканали биринчи ўринга муносиб топилди. «Ўзбекистон» телеканали «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» ва «Сен ёлғиз эмассан» кўрсатувлар туркумлари учун иккинчи ўринни, Фарғона вилояти телерадиокомпанияси «Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман», шунингдек, «Ёшлар» телеканали «Сен ёлғиз эмассан» кўрсатувлар туркумлари учун учинчи ўринни эгаллади.

«Ёшлар» телеканали ўзининг «Бу қачонгача давом этади?» мавзусидаги ижтимоий ролиги учун совринли ўринни олди.

Энг яхши радио эшиттиришлари туркуми учун «Ўзбекистон» радиоканали катта муҳаррири Саида Зокирова биринчи ўринга, «Ёшлар» радиоканали муҳаррири Сайёра Ербоева ва «Ўзбекистон» радиоканалининг Сурхондарё вилояти муҳбири Нортожи Зиёев иккинчи ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси радиоси муҳаррири Дилбар Қидирниёзова учинчи ўринга лойиқ топилди.

Матбуотда ва Интернет нашрларда эълон қилинган энг яхши мақолалар туркуми бўйича ҳам гoлиб муаллифлар аниқланди — «Ватанпарвар» газетаси муҳбири Зулфия Юнусова биринчи, Ўзбекистон телевидениеси муҳбири Муҳтарам Улуғова ва «Прав-

да Востока» газетаси муҳбири Тимур Нисаев иккинчи, «Қибрай садоси» газетаси муҳбири Гулнора Аҳмедова ҳамда «Қашқадарё» газетаси муҳбири Валентина Марценяк учинчи ўринга сазовор бўлди.

Энг яхши шеърий ва насрий асарлар муаллифлари сифатида «Амударё» журналининг 2004 йил 1-сонидида чоп этилган «Алла эшитмаган болалар» эссеси учун қорақалпоғистонлик ёзувчи Аламберген Нурниязов ва «Ўзбекистон» радиоси орқали эшиттирилган «Бағрим ўртар бола сўроғи» шеърий туркуми учун шоира Муҳайе Мирсаидова биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Эътиборхон Мадрухимовга бошловчи қаламкаш сифатида яратган машқлари учун иккинчи ўрин насиб этди.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Раҳмонберди Исломов эса энг яхши фотосурат ва фоторепортажлари учун фототанлов гoлиби бўлди.

Танлов меҳр-мурувватга муҳтож болаларнинг ёлғиз эмаслиги, умуман, юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли эканининг ана бир ўзига хос ифодаси бўлди.

Фулом АБДУРАҲИМ,  
ЎзА шарҳловчиси

## МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуанин 2 июнь кунни Ўзбекистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Тохир Муллажонов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Тошкентда ўтажак ШХТ саммитига тайёргарлик, икки мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш, террорчиликка ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлиги ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Словакия Республикаси божхона дирекцияси бош директори Жозеф Гонзол раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси Баҳодир Матлубов билан учрашди.

## СЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида, барча жабҳаларда бўлгани каби, божхона соҳасида ҳам ҳамкорлик изчилив раивожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар алоқаларни янги поғонага кўтаришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Меҳмон Ўзбекистон ҳуқумати божхона тизимини раивожлантиришга катта эътибор қаратаётганини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати билан Словакия Республикаси

ҳуқумати ўртасида божхона соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида битим имзоланди.

Маъмур ҳужжатда божхона соҳасида тажриба алмашиб, бунинг учун ўзаро ташрифларни амалга оширишга, техникавий ёрдам кўрсатишга шунингдек, гийёҳванд ва психотроп моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашишда бир-бирига қўмақлашишга доир масалалар назарда тутилган.

## ХУШБАҲОСИ

Барча мавбалардан олдингиз сўзга хабарлар

### Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонуни»нинг Жиззах вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш марказида жинойи ва фуқаролик ишлари бўйича судьялар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида судьялар мустақиллигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Халқаро Бизнес марказида 29 та олий ўқув юртлири талабалари ўртасида иқтисодий мутахассисликлари бўйича III-анъанавий республика танлови ўтказилди.

● Кеча Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани «кумуш тола» ижодкорлари давлатга 109 тонна пилла топшириб, йиллик шартнома-режани бажардилар. Шунингдек, Тўртқўл, Беруний туманлари ҳам йиллик режани уддаладилар.

● Қарши шаҳридаги «Гулшан» маҳалласида яшовчи тadbirkor Ўткир Эркаев ўз ҳисобидан беш юз ўринли спорт мажмуини қуриб, ёшлар ихтиёрига топширди.

● Навоий вилоятида «Кони-мех руно» кўшма корхонаси фаолият бошлади. Кони-мех туманида очилган маъмур кўшма корхона ойига 95-100 тонна кўй жунини суний «нитрон» толаси билан қўшиб йиғиради ва қалавалайди.

### Жаҳонда

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннаниннг журналистларга маълум қилишича, Хавфсизлик Кенгаши АКШ ва Буюк Британия томонидан Ироқ бўйича тақлиф қилинган резолюция лойиҳасига тузатишлар киритишга тайёргарлик кўрмоқда.

● Ҳиндистон ва Покистон шу йилнинг 27-28 июнь кунлари Қашмир муаммоси ва ядровий хавфсизлик масаласида икки томонлама музокараларни бошлайди.

● Непал қироли Гьянендра мамлакатнинг янги бош вазирини тайинлади. Ушбу лавозимга 2002 йилда бош вазирликдан бўшатирилган Шер Баходур Деуба лойиқ деб топилди.

● Италиялик олимлар Антарктидадан Кўёш тизимига тенгдош метеорит топиди. Тахмин қилинишича, у Ерга 4,5 миллиард йил олдин тушган.

● Эквадорда «Жаҳон гўзали-2004» танлови бўлиб ўтди. Бевосита 8 минг киши томоша қилган ва «ойнаи жаҳон» орқали қуррай заминдаги 2 миллиард муҳлиқ қузатган ушбу танловда 80 нафар гўзал орасида австралиялик 20 ёшли Женифер Хоуксин гoлиба қозонди.

**Иқтисодиёт**

**ЯНГИ ЦЕХ  
ОЧИЛАДИ**

**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш йўлида тинмай изланаётган «Турон-продуктион» шўба корхонаси мебелсозлари ўзлари тайёрлаётган рақобатбардош мебелларни Козогистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилиш ҳаракатида.**

Албатта, бунинг учун энг аввало бозор талаби, харидор дид ва эҳтиёжини ўрганиш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш лозимлигини дилдан ҳис этган тадбиркорлар қисқа давр мобайнида мебеллар турини 70 хилдан оширишга эришдилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар пойтахтимиздаги савдо шохбчалари билан тузилган шартномалар асосида харидорларга сотилиши билан бирга, катта ҳажмдаги буюртмаларни бажаришга ҳам киришилмоқда.

— Маҳсулотларимизнинг нафақат рақобатбардошлигига, балки аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда нархига ҳам эътибор қаратамиз, — дейди савдо бўлими бошлиғи Шукрулло Собиров. — Бугунги кунда, айниқса дизайнерларимизнинг изланишлари асосида яратилаётган офис, идора ва меҳмонхоналар учун мўлжалланган замонавий стол-стуллари, «Камалак», «Тошкент», «Баҳор», «Жасмин», «Фай» деб номланган ётоқхона ва меҳмонхона термаларимиз, болаларга мўлжалланган каравотлар усталаримиз маҳоратларини намоеён этиб, харидорлиғи билан ажралиб турибди. Келгусида Германия давлатидан келтириладиган юксак унумли дастгоҳлар эса иш самарадорлигини таъминлаб, хорижийкидан асло қолишмайдиган мебеллар ишлаб чиқаришимизга замин бўлади.

Йилдан йилга цехларни кенгайтириб, кўшимча ишчи ўринлари яратиб, маҳсулот хилма-хиллиги ва сифатига эътибор қаратаётган корхона тадбиркорлари келгусида яна бир янги — мебеллар учун тўшаклар ишлаб чиқариш цехини очишни кўзда тутишган.

**ХОРИЖДА ҲАМ  
ХАРИДОРГИР**

**Хунармандларга берилган имкониятлар, уларнинг тадбиркорлик билан иш юритишларига қаратилган эътибор халқ амалий санъати ривожига муҳим ҳисса бўлмоқда.**

Зардўз Вилоят Иноятова ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2000 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозир унинг ўз изланишлари билан яратилаётган 20 хилдаги зардўзлик буюмлари нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Зардўз-уста ҳар бир яратётган маҳсулотни устида тинмай изланади. Миллий қадриятларимиз эъзозини топаётган турли хил кийим-кечаклар, дўппио кўйгирчоқлар нафис ва гузаллиги, бетакорлиғи билан ажралиб туради. Зардўзликнинг янги йўналиши бўйича изланаётган Вилоят Иноятова ўз маҳсулотлари турларини кўпайтириш, шогирдлар тайёрлашга аҳамият қаратган. У маҳсулотлари билан Германия давлатида ўтказилган халқаро кўргазмада иштирок этиб, катта эътиборга сазовор бўлди.

**Шарофат БАХРОМОВА**

Мазкур ҳужжат ТАСИС дастури доирасида электр қувватини тежаш масалаларига йўналтирилган бўлиб, шунингдек, коммунал соҳасининг ушбу тизимини маҳаллий органлар бошқарувига топшириш орқали тақомиллаштиришни кўзлайтиди.

— Биз учун ТАСИСнинг мазкур лойиҳасини Ўзбекистон пойтахтида амалга ошириш борасида айнан Маннхайм шаҳри асос қилиб олингани албатта қувонарлидир, — дейди Маннхайм шаҳри бургомистрининг биринчи ўринбосари Норберт Эггер. — Ҳаётий муҳим, стратегик ресурс ҳисобланган электр қувватининг тўғри тақсимланиши устидан назоратни кучайтириш масаласи бутун дунёда долзарбдир. Бугунги кунда ушбу масаланинг ҳал этилишида тақомиллашган механизм мавжудлиғи алоҳида аҳамият касб этади. Ва бу борада фақат бир томонлама, яъни ваколатли идораларнинг фаолияти даркор эмасдир, балки мажмуавий тарзда, шу жумладан истеъмолчиларни жалб этган ҳолда уларнинг онгли равишда электр ресурсларини сарфлашда тежамкорликка риоя этиши орқали ёндошув талаб этилади. ЕИ-ТАСИС доирасида фаолият юритаётган Германиянинг «МВВ» компаниясининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ушбу йўналишда Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани мисолида ўрганиш ўтказди. Дастлабки ҳисоб-китоблар натижасига қараганда, хорижий мамлакатлар тажрибаси қўлланилиши ўз ижобий самарасини бера бошлади. Чунончи, ушбу лойиҳа жорий йилнинг февраль ойидан татбиқ этилаётган бўлса, 10-15 кун ичида аҳолининг тўлов имкониятлари сезиларли даражада — 68 дан 88 фоизгача юқори-

лагани кузатилди. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, ушбу дастур Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани боис битта эмас, балки бир неча шаҳарларни қамраб олади. Масалан, бундай тажриба Бурятиянинг Улан-Удэ шаҳрида ҳам ўтказилган. Айни пайтда Чилонзор туманида лойиҳа амалиётини мувофиқлаштирувчи ва ягона тармоққа уланган марказ ташкил этилиши устида иш

рибаси ҳокимлик тузилмалари учун маъқул деб топилди. Жорий йилнинг бошида тошкентлик бир гуруҳ мутахассислар Германияда бўлиб, Маннхайм шаҳри мисолида энергетика соҳаси мукаммал ривожланганини, электр қувватини тақсимлаш тизими мунтазам ва барқарор ишлаётганидан ҳайратланиб қайтишди. Маълумки, барча Европа давлатларида электр таъминоти масаласи муниципал идоралари негиздир. Тошкент шаҳар ҳокимлиги учун бу фаолият ҳали янги, чунки ҳозирги пайтгача электр қувватини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан «Ўзбекэнерго» компанияси шуғулланиб келган. Уйлайманки, ишончли ҳамкорларимиз бор экан, олдимизга қўйилган вазифани адо этишда қийинчиликлар бўлмайд.

Коммунал соҳасининг энг мураккаб тармоғини тақомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳа икки йилга мўлжалланган ва ЕИ томонидан тасдиқланиб тўлиқ татбиқ этилганидан сўнг имзоланган меморандумга асосан Тошкент ва Маннхайм ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини бирдорлашган шаҳарлар кўринишида кенгайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Хусусан, жаноб Норберт Эггер меҳмондўстлик ва юқори даражада ўтказилган учрашувлар учун алоҳида миннатдорчилик билдириб, кейинчалик ҳам Маннхайм ва Тошкент ўртасидаги дўстона алоқаларни мустақамлаш, Ўзбекистон қадимий цивилизация маркази эканлигини қадимий олан ҳолда икки шаҳар ўртасида туризмни ривожлантиришга бор куч-гайратини қўйиш нияти борлигини билдирди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Ҳамкорлик қирралари**

**ТОШКЕНТ — МАННХАЙМ:  
ИЛК ҚАДАМЛАР**

**Қуни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Германия Федератив Республикасининг Маннхайм шаҳри маъмурияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.**

олиб борилмоқда. Ушбу марказ тегишли замонавий дастгоҳлар, техник қуроллар билан жиҳозланган бўлади ва бу ерда коммунал хизматларидан фойдаланувчилар тўловларини амалга ошириш билан бирга ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши, ҳаттоки муаммоларини ҳам электрон дастгоҳлар ёрдамида ҳал этиши мумкин.

— Шубҳасиз, электр қувватини назорат қилишнинг янги тизими жорий этилиши биринчи навбатда охири кўрсатиш даражасини сифатли равишда оширишга шароит яратди, — таъкидлаб ўтди Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тухтаев, — Маннхайм шаҳрининг бу борадаги таж-

**ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ  
ОЧИЛМОҚДА**

**Жилокор биллур идишлари қандиллар кимни ҳам мафтун этмайди дейсиз. Харидор диди, бозор талаби тобора юқорилаб бораётган бугунги кунда ана шундай маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар олдида ҳам катта масъулият турибди. Негаки маҳсулот харидорлигини таъминлаш изланишни талаб этади, ижобий изланишлар эса, албатта самара беради. Корхона ривож ҳам ана шундай изланишлар самарадорлигига боғлиқ. Бу ишда тадбиркорлик ва маҳорат қўл келиши ҳеч кимга сир эмас.**

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган пойтахтимиздаги «Онникс» ҳиссадорлик жамияти биллурсозлари ана шуни ҳисобга олган ҳолда янги-янги рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш йўлида сидқиқилдан изланишмоқда. Бу борада корхонанинг тажрибасининг цехи мутахассисларининг маҳоратлари намоеён бўлмоқда. Айни кунларда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 200 хилдан ортиқни ташкил этса, шуларнинг 20 хили жорий йилдаги изланишлар натижаси, бозор ва харидор талабининг ўрганиш самарасидир. Албатта, бундай маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлари ортиб бормоқда. Бунда корхона тадбиркорларига Козогистон давлатида фаолият кўрсатаётган савдо уйи катта ёрдам бермоқда. Негаки, у ерда нафақат маҳсулотлар сотилади, балки маркетинг асосида харидор талаб ва эҳтиёжи ҳам ўрганиб борилади. Келгусида экспорт ҳажминини мақсад қилган жамоа ахли ана шундай савдо уйлари Марказий Осиё давлатларининг барчасида очишга сазай-ҳаракат қилишмоқда.

Корхонада 800 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Асосан кўлда амалга ошириладиган, но-зик дид, юксак маҳорат талаб этадиган ишлар кўп. Шу билан бирга бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда эскирган дастгоҳларни модернизация қилиш учун бизнесрежа тузилиб, уни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Герма-

ниялик ҳамкорлар билан янги ускуналар келтириш борасида музокара олиб борилмоқда. Ана шундай замонавий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган эса ишлаб чиқариш ҳажминини 2 баравар ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, корхонада фаолият кўрсатаётган «СМГ-Онникс» Ўзбекистон-Италия, «УМТ-Радио» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналарида тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар хусусида тўхталган ҳолда, бугунги кунда қурилиш ишлари давом этаётган «Углазайдан» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ҳақида ҳам айтиш лозим. У ишга тушган қўшма корхонаси учун сифатли хом ашё етказиб бериш имконияти яратилади.

Биллурсозлар маҳсулот турини кўпайтиришга, сифатини оширишга эътибор қаратган ҳолда ўтган йилда 1 миллиард 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда бу рақамни 2 миллиард 100 миллион сўмга етказиши, 400 миң долларликдан зиёдини эса экспорт қилиш режаланган. Жорий йилнинг биринчи чорағида ишлаб чиқарилган 427 миллион сўмлик маҳсулотнинг 63 миллион сўмлиги янги турдаги буюмлардир. 75 миң долларлик маҳсулот эса экспорт қилинди.

Муҳташам иморатлар, замонавий ва тарихий биноларга кўрк бўлиб, нафақат кўзаларни қувватиб, балки дилларни нурафшон этаётган биллур қандиллар корхона аҳлининг меҳнат маҳоратини намоеён этади. Бундай буюртмаларни талаблар даражасида бажаришда барча имкониятлар ишга солинади. Шаҳримиздаги Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Адлия вазирлиғи, Бухородаги «Ўзсанатқурилишбанк» биноси ва бошқа кўплаб иншоотларга нур таратаётган биллур қандил ва ёриткичлар ана шулар жумласидандир.

Бунирмачиларни жалб этиш



га алоҳида эътибор қаратилган. Кўнгилдагидек меҳнат шароити, яхши хордикни ташкил этишга эътибор, фахрийларни эъзозлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ана шулар жумласидандир. Корхона тасарруфидаги «Оқтош» оромгоҳи эса ҳар йили ишчи-хизматчилар фарзандларининг ёзи таътиллари мазмунли ўтказишларида муҳим аҳамият касб этади. Бурчмულладаги дам олиш оромгоҳи эса ишчилар хизматида бўлади. Шунингдек, ишчи-ҳодимларнинг саломатликларини тиклаш учун санаторий ва профилакторийларга имтиёзли йўлнамалар ажратилди.

— Бугунги кунда олдимизга қўйган асосий мақсадимиз, — дейди корхонанинг иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Абулқасим Усқенбоев, — эскирган дастгоҳларни модернизация қилиш ва замонавий ускуналар асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириб маҳаллий хом ашёдан янада рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш. Шу асосда экспорт ҳажминини оширишни ҳам кўзда тутганмиз. Ҳа, имкон кидирганга, иш кўзини биланганга имкониятлар эшикларни ҳаммашича очилади. Бунинг учун эса меҳнат қилиш, интилиш, талабдан келиб чиқиш даркор.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА: сайқаловчи Равайн Саримсоқов, корхонанинг йиғув цехи илгорлари иш жараёнида; маҳорат маҳсули бўлган қандил ва буюмлар барчага манзур бўлмоқда.**  
**Ҳажимжон Солиқов олган суратлар.**









## Биласизми?

СУВ — БЕБАҲО  
НЕЪМАТ

Сув — бу Оллоҳ Таоло томонидан инъом этилган буюк неъмат. Тарихдан бизга маълумки, қаердаки сув мўл бўлса, уша ерда фаровонлик, тўкин-сочинлик ва аҳолининг ҳам яшаш тарзи анча юқори бўлиб келган. Ҳа, албатта, сув — бутун борлиққа жон ва яхшилик ато этиб турган буюк мўъжиза. Шунинг учун ҳам аجدдоларимиз сувни юқори қадрлаб, унга нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб келишган. Яъни, сувнинг бир томчисини ҳам бекорга сарфламасликка ва уни ифлос қилмасликка, чиқиндилар ташла-масликка катта эътибор бериб, ана шундай ахлоқий қоидаларни бугун шахсларга нисбатан бутун халқ орасида уялтириш, изза қилиш, ҳатто жинойи жазага ҳам тортилган. Ана шундай даврларнинг оз бўлса-да, «хадис»ни олиб қолган нуруний отахонларимиз ва онахонларимиз бугунги кунда набира ва абирларига нисбатан «ариққа ахлат ташлама», «сувни эъозла», «сувга турпурма, гўеки у худонинг юзи» деган насиҳатларни беришади. Албатта, сувни қанчалик эъозласак кам ва қанчалик эъозласак ўзимизга шунчалик фойда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда ана шу буюк неъматга бўлган муносабат буткул ўзгарган. Бу ҳақда телевидение, радио ва матбуотда ҳам тез-тез кўриб, эшитиб ва ўқиб турибмиз. Буни атрофимизга боқиб ҳам ўз хулосамизни чиқарасан бўлади. Келинг, сизларга айан сув билан боғлиқ бир жараён, турғиргоғи, бир воқеани айтиб берсам.

— Мен Чилонзор туманида яшайман. Уйимизнинг олдида бир ариқча ва унда тўлиб сув оқади. Бобомнинг айтишига қараганда, унинг суви илғирларига жуда мусабфо ва сокин оқаркан. Кейинчалик эса унинг суви ифлослана бошлабди ва турли чиқиндилар қўшилиб оқиб келаётган бўлибди... Ававаллари бу сувдан идиш-товолқарни ювиш учун фойдаланишарди. Энди эса йўқ...

Ҳа, энди эса, ақалли ҳовлига сув олиб сепишга-да кўнглинг бўлмайди. Сабаби, унинг ичида истаган нарсанинг қўшилиб оқиб келаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Буни кўриб сувни мана шундай аҳолига солаётганларга нисбатан ўзимда кучли нафрат сезардим... (Буни қарангки, бир кун дарсдан қайтаётганимда маҳалламизнинг бошида яшовчи таниш бир оиланинг, ўз ақлини топиб қолган кап-қатта қизи ариққа қараб ҳовлини супуриб ташляпти. Буни кўриб, нафратим кўзиди. Бориб, унга нима сабабдан ариққа супураётганини сўрадим ва аччиқ-аччиқ гапларни айтиб, анча уялтирдим. Шундан сўнг ҳар кун кузатиб ўтайдиган бўлдим. Лекин, бирор марта уша хонадондан ариққа ахлат ташлаётганини кўрмадим. Бундан ўзимда қандайдир фахрлиниш хиссини туяман).

Энди ана шу ифлос сувлардан тарқатилган касалликлар ва одам организмга таъсири ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтасак. Яъни, ифлос сувларда қўмилиш натижасида Ўзбекистонда 6-7 фоиз аҳоли ошқозон-ичак касалликлари билан касалланар экан. Бундан ташқари, корин оғриғи, гепатит каби касалликлар ҳам ифлос сув орқали юзага келар экан.

Бу каби касалликларни барта-раф этиш ўз қўлимизда. Бунинг учун фақатгина ҳаётимиз манбаи бўлган сувимизни покиза сақласак бўлгани.

Одил СОДИҚОВ,  
Жаъфар БОБОХОНОВ.

## Қўрғазмалар

МЕҲРИБОНЛИК  
УЙИНИНГ САНЪАТ  
ШАЙДОЛАРИГА


Куни кеча пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи эрта-лабданоқ одамлар билан гавжум бўла бошлади. Бу ерга бирин-кетин келган машиналардан ўзига хос экспонатлар тушириб олинди. Бу экспонатларнинг ҳаммаси бетакрор ўзбек санъатининг дурдона асарлари эди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ўзбекистон Бадий академиясининг ижодкорлар уюشمаси ташаббуси ва бир гуруҳ машхур санъатимиз намояндаларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда ўзига хос ижодий қўрғазма ташкил этилди. Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси Турсунали Қўзиев юксак дид билан қўрғазмага қўйилган ёғоч ва ганч уймакорлиги ҳамда кулолчилик намуналарини кўздан кечирар экан, доврўғи оламга ёйилган Ўзбекистон санъати дурдона асарларининг бундай намойиши ўсиб келаётган ёш авлодни қадриятларининг улуғлаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этажаклигини таъкидлади. Қўрғазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров, 22-Меҳрибонлик уйи директори Матлуба Охунова, ўз нодир асарларини қўрғазмага олиб келган Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаев, машхур кулол Маҳмуд Мамажоновлар бу ерда тарбияланаётган севиқли ўғил-қизларимизнинг келажаги буюк Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб камолга етишишига самимий тилаклар изҳор этдилар.

— Ёғоч уймакорлигига оид нодир асарларимиз билан дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатда ўтказилган қўрғазмаларда қатнашганман, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаев. — Лекин бугун Меҳрибонлик уйида шундай қўрғазмада биринчи бор иштирок этишим. Фарзандларимизнинг билим олишга, санъат сирларига ошно бўлишга қизиқишлари мени ҳайратта солди. Бу ерда қўлидан расмлик келадиган анчагина ўғил-қизлар камолга етишаётган экан. Уларга мен ҳар соҳада омад ёр бўлишини тилайман.

— Уста Ортиқ аканинг фикрларига

мен ҳам қўшиламан, — дея сўхбатни давом эттиради машхур ганчкор Ўзбекистон халқ устаси Аҳрол Мухторов. — Мен ҳам кўпгина қўрғазмаларда ўз асарларим билан қатнашганман. Лекин бугунги қўрғазмадан олган таассуротим, қувончим ўзгача бўлди. Фарзандларимиз юз-кўзида зоҳир бўлган севинчи кўришдан ҳам




ортиқ бахт борми ахир.

— Шунингдек қўрғазмани айнан ушбу Меҳрибонлик уйида ташкил этиш гоёси амалга ошганидан жуда мамнунман. Бу ишда Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюشمаси ҳам бизга яқиндан мадад берди, — дейди машхур кулол Маҳмуд Мамажонов.

— Меҳрибонлик уйимизда 90 нафар фарзанд тарбияланмоқда, — дейди унинг директори Матлуба Охунова. — Биз бугун бу ерда ўз нодир асарлари қўрғазмасини ташкил этган машхур усталиримиз ҳимматида жуда мамнун бўлдик. Уйлаймизки бундай қўрғазмалар фарзандларимизнинг ҳар томонлама камолга етишишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳа, шу куни 22-Меҳрибонлик уйида ташкил этилган қўрғазмадан бу ерда тарбия топаётган ўғил-қизлар ҳам, унинг



меҳмонлари ҳам бир олам завқ-шавқ олдилар. Шу ўринда яна эътиборга молик бир гапни айтмоқчимиз. Қўрғазма ташкилотчилари бу ерга қўйилган ёғоч ва ганч уймакорлиги, кулол буюмлари намуналаридан бир қанчасини Меҳрибонлик уйига тортиқ этдилар. Ўзбекистон халқ устаси Фасиҳиддин Даламуҳамедов ўзи нозик дил билан ишлаган гўзал заргарлик буюмларини Меҳрибонлик уйининг бир гуруҳ барно қизларига совға қилиб топширди. Бундан фарзандлар ҳам, Меҳрибонлик уйининг тарбиячи-ўқитувчилари ҳам, қўрғазма меҳмонлари ҳам жуда-жуда мамнун бўлишди.

— Бундай қўрғазмани ташкил этишни хайрли анъанага айлантириш айтин кўнгиладикимиз иш бўлур эди, — дейди академик Ортиқ Файзуллаев. — Ва яна шуни таъкидламоқчиманки, бугун ҳар биримиз Меҳрибонлик уйига совға қилган санъат асарларининг сони ҳар йили ўтказилаётган шундай қўрғазма шарофати билан кўпайиб боради. Қарабсизки, келажакда бу ерда Меҳрибонлик уйининг ўзига хос, одамлар ҳавас қиладиган яхшигина музейини ташкил этса бўлади.

22-Меҳрибонлик уйидаги ушбу қўрғазма жуда мароқли ва ибратли ўтди. Унинг якунида байрамона тўкин дастурхон ёзилди. Меҳрибонлик уйининг санъатга шайдо, унинг сирларини ўрганишга иштиққи зўр тарбияланувчилари бугунги тадбирдан қувониб, шўх рақсларга тушдилар, биргалашиб кўшиқ кўйладилар.

Солиҳ ЁҚУБОВ  
СУРАТЛАРДА: 22-Меҳрибонлик уйида ташкил этилган қўрғазмадан лавҳалар.

Шавкат Қаҳқоров олган суратлар

Тошкентда Марказий Осмё ва Европа театр арбобларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда театр санъатининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган элликка яқин вакиллар иштирок этишди.

ТЕАТР АРБОБЛАРИ  
ТОШКЕНТДА УЧРАШАДЛАР

Учрашув ташкилотчилари — Будапешт "Очик жамият" институтининг "Санъат ва маданият" тармоқ дастури, Норасмий Европа театр учрашуви, Виктор Гюго номидиган француз маданияти маркази.

Анкуман Марказий Осмё давлатларида театр санъатининг бугунги аҳоли ва таҳлилига бағишланди. Театр арбобларининг учрашуви чоғида давра сўхбатлари бўлди, спектакллар томоша қилинди ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва туркманistonлик вакиллар ўз республикаларидаги театр фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган маърузалар қилдилар. Шунингдек, улар Шарқ маданиятларининг ўзаро таъсири, бу соҳадаги мавжуд қўнуниятлар юзасидан фикр алмашдилар.

— Мустиқликдан сўнг амалий-декоратив санъатга, анъана-

вий мусикага, маънавий меросимиз ёдгорликларини тиклашга уруғ берилла бошланди, — деди Санъатшунослик институти Маданиятшунослик бўлими мудири Элдор Мухторов. — Бу мавзулар қайсибир маънода театрда ҳам ўз ақсини тоғди. Бир қанча вақтлар мобайнида қўйилган спектакллар сюжетлари бир-бирини такрорладилар. Яратилган спектакллар орасида эътиборга лойиқ бўлганлари 2-3 та, холос эди. Бу хилдаги спектакллар Фарб классикасига қизиқишни сўсайтирди.

Аммо 90-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон театр санъатида Фарб классикасига шарқона бўёқ қўшилган йўналиш пайдо бўлди. Бу, яъни ўз анъаналарини унутмаган ҳолда Европа меросини тан олиш ҳолати ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Европалик иштирокчилар замонавий Фарб театрлари иқтисодий ва меънавий ҳақида таҳлилий чиқишлар қилдилар.

Учрашувда меҳмонлар Ўзбекистон Ешлар театри, Давлат академик рус драма театри, Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри, "Қиёфа" ҳаракат театри, "Илхом", "Эски маҷит" театр-студиялари қўйилган спектаклларни томоша қилдилар.

"Туркистон-пресс" маълумоти: Норасмий Европа театр учрашуви — бу театр, рақс, мусика, меъморчилик, кино, видео, янги технологияларни ўз ичига олувчи профессионал сахна санъати ташкилотларининг тармоғи ҳисобланади. У 1981 йилда ташкил топан. Ташкилотнинг қароргоҳи Брюссель шаҳрида жойлашган. Ушбу ташкилот Бельгиядаги Фламанд ҳамжамияти, Нидерландия маданият вазирлиғи, Европа маданият жамғармаси, Франция маданият вазирлиғи томонидан маблағ билан таъминланади.

ДОЛЗАРБ  
МУАММОГА  
БАФИШЛАНДИ

Республика Фанлар Академиясининг Тарих институтида "Ўзбекистон этнологияси, янгича қарашлар ва назарий-услубий ёндашувлар" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Этнология халқларнинг келиб чиқиши, урф-одатлари ва маросимлари, тили, дини, маданияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи фанлиги кўпчиликка маълум. Кейинги йилларда маъмур фан мамлакатимизда тобора ривожланиб бормоқда. Утган давр ичида олим ва мутахассислар томонидан ўзбек халқининг шаклланиши, оилавий муносабатлар, урф-одат ва қадриятларни ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида самарали тадқиқотлар олиб борилди.

Анжуманда этнологиянинг назарий-услубий муаммолари, этногенез ва этник тарих масаласи ҳамда ўзбек халқининг анъанавий маданиятига янгича ёндашувлар, этнология фани ривожланишининг муҳим йўналишлари ва истиқболлари хусусида маърузалар қилинди.

"Туркистон-пресс"

**Спорт**

**КАРАТЭЧИЛАРИ-МИЗ МУВАФФАҚИЯТИ**

**АҚШнинг Чикаго шаҳрида уч кун давомида каратэ бўйича нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди.**

Жаҳоннинг тўққиз мамлакатидан мусобақада қатнашиш учун ташриф буюрган спортчилар орасида мамлакатимиз каратэчилари ҳам бор эди.

Шуниси қувонарлики, Достон Турғунов, Рустам Рўзиёв, Жасур Қаюмов, Шоҳижаҳон Панжиев, Фузайл Маҳмудов, Элмурод Мадраҳимов каби каратэ усталаримиз бор куч-маҳоратларини ишга солган ҳолда турнир ғолиблари бўлдилар.

Шундай қилиб, олтига олтин, битта кумуш ва учта бронза нишонларини кўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи бўлишди.

**МУНОСИБ**

**ИШТИРОК ЭТДИ**

**Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида ёшлар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди.**

Албатта жаҳон чемпионатларида медаллар соҳиби бўлиш ҳар бир юрт вакили учун катта шарафдир. Бу гал ҳам ҳамюртимиз — Афина олимпиадаси қатнашчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Ботир Усмонов 94 килограммгача бўлган оғир атлетикчилар баҳсида фахрли учинчи ўринни эгаллаган ҳолда мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. У даст кўтаришда 170, силтаб кўтаришда 197,5 килограмм натижа кўрсатди.

Биз Ботирга олимпиада баҳсларида ҳам омад тилаб қоламиз.

**АФИНАГА ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДА**

**Бугун чарм кўлқоп усталаримиз Грецияда август ойида бошланадиган олимпиадага тайёргарлик доирасида Санкт-Петербургда бўлиб ўтadиган турнирда қатнашиш учун жўнаб кетишди.**

Шуни айтиш керакки, терма жамоамиз 7 июнга қадар давом этадиган мусобақаларда энг кучли Россия, Украина ҳамда козоғистонлик чарм кўлқоп усталари билан беллашадилар.

Уйлаймизки, иқтидорли мураббий Шароф Худойбердиев шогирдлари ушбу халқаро мусобақада ҳам муносиб қатнашиб, мамлакатимиз бокс мухлисларининг кўнгилларини хушнуд этишади.

(Ўз мухбиримиз)

**Касаба уюшмаларида**

**АНЪАНАВИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ**

**Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти билан биргаликда Тошкент шаҳар кичик ва хусусий бизнес, матлубот кооперацияси савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Кенгаши томонидан анъанавий спорт мусобақасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Мусобақага пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари, савдо ташкилотлари ходимлари жалб этилди. Кун давомида улар ўртасида шахмат, шашка, стол теннис, футбол каби спорт турлари бўйича беллашувлар «Отам-онам ва мен — спортчи оила» оилавий ўйинлари бўлиб ўтди.

— Ишчи-хизматчиларимиз ўртасида ўтказилаётган анъанавий спорт мусоба-

қамизда 120 нафардан ортқ эркаклар, 50 нафарга яқин аёллар ҳамда «Отам - онам ва мен — спортчи оила» деб номланган оилавий ўйинларда 14 та оила қатнашмоқда. — Мини футбол бўйича эса 20 та жамоа ташкил этилган бўлиб, икки ой мобайнида ҳар ҳафтанинг дам олиш кунлари, улар ўртасида футбол мусобақалари ўтказилади, — дейди Тошкент шаҳар кичик ва хусусий бизнес, матлубот ко-

операцияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раиси ўринбосари Зийдулла Худойбердиев. — Шунингдек жорий йилнинг давлатимиз томонидан «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши, қолаверса, Халқаро болалар кун муносабати билан тадбир давомида 700 нафарга яқин болаларга турли совғалар топирилди. Шунингдек, ишчи-хизматчиларимиз ўртасида спортни янада ривожлантириш мақсадида қизиқarli мусобақалар ўтказилиб «Энг ёш спортчи», «Энг ёш оила», «Энг кекса спортчи» каби йўналишлар ғолиблари касаба уюшмамиз томонидан эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Дарҳақиқат, кун давомида қизиқarli ўтган мусобақада Чилонзор туманидаги «Шодиёна» халқ вокал-чолғу дастаси, «Нигоҳ» қизиқчилар гуруҳи қатнашиб, иштирокчилар кўнгилларини янада хушнуд этишди.

Шахло ҲОШИМОВА

**Мерганлик**

**ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ**

**Шаҳримиздаги «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти залида Республика Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг оталикдаги мактаблари, пойтахт Ёнгин хавфсизлиги ҳарбий-техник мактаби, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилоятининг юқоридаги тузилмалари ходимларининг фарзандлари ўртасида мерганлик бўйича илк спартакиада баҳслари бўлиб ўтди.**



Қатнашчилар кўрсатган натижалар сарҳисоб қилинган, ғолиб ёшлар ва жамоалар аниқланди. Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Республика Миллий хавфсизлик хизмати командаси эгаллади. Иккин-

чи ўрин Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари фарзандларига насиб этган бўлди, шаҳар Ёнгин хавфсизлиги ҳарбий-техник мактаби вакиллари учинчи бўлишди.

Спартакиаданинг ғолиб ва

совриндорлари дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТДА: спартакиада баҳсларидан лавҳа.**

Алексей Попов олган сурат

**Футбол**

**«ПАХТАКОР»-НИНГ РАҚИБИ МАЪЛУМ**

**Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳслари якунланганлигини мухлисларнинг хабари бор, албатта.**

Ўз гуруҳида рақибларига қарши муносиб ўйин намойиш этиб чемпионлар лигасининг чорак финалига йўланма олган «Пахтакор»нинг рақиб маълум бўлди. Осиё футбол конфедерациясида ўтказилган қуръа ташлаш маросими натижаларига кўра мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал Ваҳда» клуби билан кун синашади. Мазкур беллашув 15 сентябрь кун бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**“ИШЛАБ ТОП!”**

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз наворон, иқтидорли, ғайратта тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагинизгина керак. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг кўч ҳисоб.

**TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI**

**КАМОЛОТ**

Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақдир қилади. Қушимча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

[www.tashkentkamolot.uz](http://www.tashkentkamolot.uz)  
[www.2oxygen.com](http://www.2oxygen.com)  
[www.kvn.uz](http://www.kvn.uz)

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**Аҳоли диққатига!**

2004 йил 1 июндан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 21 сўм 30 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 10 сўм 65 тийин белгиланди.

**ОАЖ Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Фурқат номли 196-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мўминов Улугбек Нуритдинович номига берилган 11-синфни битирганлик тўғрисидаги АУ №309012 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 20-касб-хунара коллежи томонидан 2002 йилда Кўчқоров Дилмурод Абдуқодирович номига берилган АВ № 055487 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
4127 нусxada босилди. Қўғоғи биринчи А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтамизга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.